



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 14 апрель ● сешанба ● № 15 (632) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

2009 йил — «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили»



3

Тадбиркорлик давлат ҳимоясида



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

Учрашув

Халқаро ҳамкорлик

фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори И.Венцель билан учрашув бўлиб ўтди.



И.ВЕНЦЕЛЬ жаноблари марказда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бўйича ўқув жараёнларини ташкил қилиш, кафедралар фаолияти ва профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда тахсил олаётган тингловчилар билан танишди. Суҳбатда юристар

амалга ошириладиган ишлар келишиб олинди. Мазкур лойиҳада БМТ томонидан 2009 йилнинг инсон ҳуқуқлари таълими йили, деб эълон қилиниши муносабати билан марказ тингловчиларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни ўқитиш, марказда инсон



малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида сўз борди. Чунончи, «Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ЕХХТ ва марказ билан биргаликда

ҳуқуқлари бўйича Ахборот-ресурс маркази ташкил этиш, шунингдек, марказ профессор-ўқитувчиларининг хорижий ўқув юртлирида иш ўрганиши ва малака оширишларини ташкил қилиш масалалари кўзда тутилган. (Ўз мухбиримиз)

БУГУНГИ КУНДА юртимиз аҳолисининг турли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашда тадбиркорларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Истемол бозорини талаб ва тақлиф даражасида зарур товарлар билан тўлдиришга астойдил интилаётган тадбиркорларимизнинг кенг фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилган.

Адлия минбари

Тадбиркорга тўғаноқ бўлаётганлар

фаолиятига қонуний баҳо бериш адлия идоралари олдидаги муҳим вазифадир

Дунё давлатларида турли даражаларда намоён бўлаётган жаҳон иқтисодий инкирози муаммолари даврида мустақил юртимизнинг иқтисодий таракқиётига ишбилармон тадбиркорлар катта ҳисса қўшиб келаётганини қайд қилиш жоиз. Шу нуқтаи назардан Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида тадбиркорликни ривожлантириш хусусида тўхталиб «Жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият

касб этмокда», деб таъкидладилар. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, истемолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инкирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиришига эътибор қаратдилар.

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси мавжуд. Бу борадаги қонун ҳужжатларининг амалда

тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифалари қатъий белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорликни ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борадаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш мақсадида белгиланган режалар асосида бир қатор ишлар қилинмокда.



Суд ижро департаменти

ОАВда қандай ёритилмокда?

Чоралар белгиланди, тавсиялар берилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Тошкент Ислон университетидида «Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ОАВда сифатли ёритиш йўллари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА Суд департаменти идоралари томонидан 2008 йил давомида ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар берилиб, келажакдаги режалар белгилаб олинди.

Анжуманда таъкидланганидек, 2008 йилда суд ижрочилари иш қиритувида ундирув тўғрисидаги 1 миллион 709 мингта ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 2 триллион 750 миллиард сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланди.

2007 йил давомида давлат фойдасига 537 миллиард сўм ундирилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 3 миллиард сўмга яқин, яъни 2007 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп пул маб-

лағлари ундирилганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, суд ижрочилари томонидан 2008 йилда 4 миллиард 667 миллион сўмга яқин ижро йиғими ҳамда ижро ҳужжатларини ихтиёрий бажаришдан

бўйин товлаётган шахслардан 1 миллиард сўмдан ортиқ жарима ундирилиб, Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилди.

Анжуманда ўтган вақт мобайнида бу борада салмоқли ишлар бажарилган бўлишига қарамастан, айрим муаммолар борлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Хусусан, Суд департаментининг айрим

ҳудудий бошқармаларида ОАВ вакиллари билан ишлаш бўйича аниқ тизим ишлаб чиқилмаганлиги, бунинг оқибатида эса чоп этилаётган материаллар сифати ва мазмундорлиги талаб даражасида эмаслиги танқид остига олинди.

Тадбир сўнигда ушбу йўналишдаги фаолиятни янада жонлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз



Адлия вазирлиги ташаббуси

Диққат: «Ҳуқуқ билимдонлари»

беллашуви старт олди

АДЛИЯ вазирлиги ташаббуси билан Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги Маданият саройида «Ҳуқуқ билимдонлари» кувноқлар ва зукколар беллашуви ўтказилди. Илк бора ташкил этилган ушбу беллашувда ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган мактаб ва лицей ўқувчиларидан иборат Бухоро ҳамда Хоразм гуруҳлари ўзаро куч синашди.

МАЗКУР беллашувни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги мактаб, лицей ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул

бир гуруҳга Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволлар берилиб, ҳаюланди. Учинчи шартда эса гуруҳлар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида тақлиф ва тавсиялар кўргазмани ҳамда сахна кўринишидан иборат чиқишлар намойиш этилди.

Беллашувда Бухоро вилоятининг «Ифтихор» гуруҳи голиб деб топилди ҳамда 1 даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, голиб ва иштирокчиларга Адлия



ҳодимлари, Бухоро вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хуна таълими бошқармалари, вилоят нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда ҳудудий ва марказий ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Беллашув 3 та шарт асосида ўтказилиб, биринчи шартда гуруҳлар жамиятда ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган бадий чиқишларни намойиш этишди, иккинчи шартда ҳар

вазирлиги томонидан фахрий ёрликлар ҳамда ҳуқуқий адабиётлар топширилди.

Тадбир ташкилотчиларининг таъкидлашича, ушбу беллашувнинг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг апрель-сентябрь ойлари давомида барча вилоятларда ўтказилади ҳамда йил якунида мазкур беллашувнинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Азизхон НОДИРОВ, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими



Тадбиркорга тўғаноқ бўлаётганлар

фаолиятига қонуний баҳо бериш адлия идоралари олдидаги муҳим вазифадир

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Аввало, шу соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий шароитлар ҳақида тушунириш борасида адлия органлари ходимлари томонидан жами 1358 мартаба тарғибот ишлари олиб борилди.

Шунингдек, ҳар ойда камидан бир марта ўтказилаётган Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларида тадбиркорлик субъектлари учун "Очиқ эшиклар кўни" да тадбиркорлик субъектларининг муаммолари адлия органларининг биринчи раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, уларга амалий кўмак бериш тартиби жорий этилган. Очқ эшиклар кўнида ўзларини қизиқтирган савол ва муаммолари билан мурожаат этган 400 га яқин тадбиркор тегишли ҳуқуқий тушуниришлар олди.

2009 йилнинг 1-чораги давомида мазкур йўналишда адлия идораларига жами 555 та шикоят келиб тушди. Шикоятларнинг 453 таси қўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди, 47 таси тегишлиликка кўра бошқа идораларга юборилди.

Тадбиркорлик субъектларининг аксарияти маҳаллий ҳокимлик, солиқ ва банк идоралари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб мурожаат этаётгани кузатилади. Жумладан, Жиззах вилояти адлия бошқармасига Зомин туманидаги "Зомин озиқ-овқат санаот инвест" МЧЖ раҳбари А.Баратуллаев ариза билан мурожаат этиб, ўзига тегишли чойхона биноси бузиб ташланганлиги учун тўлиқни лозим бўлган зарар суммаси Зомин тумани ҳокимлиги ва "Зомин дехқон бозори" МЧЖ томонидан тўланмаётганини маълум қилди. Шу юзасидан адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво аризасига асосан вилоят ҳўжалик судининг 2009 йил 23 январдаги ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлигидан тадбиркорга етказилган жами 8 441 803 сўм моддий зарар ундирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини тезда аниқлаш ва қонуний чоралар қўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган "Ишонч телефонлари" (008 рақам) ҳам мунтазам ишлаб турибди. Жорий йилнинг 1-чораги мобайнида "Ишонч телефонлари" га жами 350 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси қўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, уларни қизиқтирган турли масалалар юзасидан ҳуқуқий тушуниришлар берилди.

Адлия органи ходимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судларига назорат ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан киритган 8882 та маъмурий ва жинорий ишлари ўрганиб чиқилгани ҳам эътиборга молиқ. Ўрганишлар жараёнида мазкур идораларнинг ходимлари томонидан маъмурий ишларни расмийлаштириш ва судларга киритишда жами 884 та ҳолатда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш ҳамда мазкур ҳолатларга йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан ҳудудий адлия органлари томонидан 44 та тақдимнома, 11 та огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Уларга асосан 28 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Назорат қилувчи органларнинг тегишли тартибига риоя этиши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашishi каби ҳолатларига барҳам бериш ва айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги марказий аппарати ҳамда жойлардаги прокуратура идоралари ходимларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, назорат қилувчи органлар томонидан ҳали-ҳанузгача ноқонуний текширишлар ўтказиш, текширишлар тартибини бузиш каби ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 1-чораги даврида адлия органлари томонидан назорат қилувчи идораларнинг 18 та ҳолатда ноқонуний текширишлар ўтказганлиги, 135 та ҳолатда эса текширишлар ўтказиш тартиби бузганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан судларга тегишли даъво аризалари, айбдор шахсларни жинорий жавобгарликка тортиш юзасидан прокуратура органларига тақлифлар киритилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисоб рақамларини очишда, уларга банклар томонидан хизматлар кўрсатилишида ҳам камчиликлар мавжудлиги кузатилмоқда. Жумладан, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатишдаги муаммолар юзасидан адлия идораларига келиб тушаётган ариза ва шикоятларнинг сони шу даврда 49 тани ташкил этди. Бундан ташқари, жойларда ўрганишлар жараёнида эса 1800 тадан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан рўйхатдан ўтказишда ортиқча маблағлар ундирилаётганлик ҳолатлари аниқланди.

Адлия вазирлиги, ҳамкор идоралар билан биргаликда тегишли дастур асосида жойлардаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимларининг билим ва малакасини ошириш юзасидан ўтказиб келинаётган ўқув семинарлари бу каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган.

Тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида адлия органлари томонидан 582 та тақдимнома, 559 та огоҳнома ва 132 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир чоралари натижасида 777 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 50 нафари эгаллаб турган лавозимдан озод этилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўқаб қўйган давлат бошқарув идораларининг 170 та ноқонуний қарори бекор қилинди ва ижроси тўхтатилди.

Адлия идораларининг киритган тақлифлари ҳамда расмийлаштирган маъмурий баённомаларига асосан 90 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларини содир қилган мансабдор шахсларни жинорий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган тақлифлар асосида 2 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Судларга тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар манфаатларини қўзлаб 5,8



Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"нинг жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда 300 мингдан ортиқ тадбиркор ушбу китоб билан таъминланди. Тадбиркорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, яна 20 минг дона китоб чоп этилаётир.

Шунингдек, ўрганишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда 1003 та турли қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги, айрим туман(шаҳар) ҳокимликлари ҳузурдаги

миллиард сўмлик 873 та даъво аризаси киритилиб, шундан, ҳозирда 1,4 миллиард сўмлик 593 таси судлар томонидан қўриб чиқилиб қаноатлантирилди, бу жараён давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва яратилган ҳимоя тизими уларнинг иқтисодий тизими ривожига қўшаётган улушлари тобора ошиб боришини таъминламоқда.

Шокир САИДОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Саҳна кўринишлари намойиш этилди

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси, прокуратураси, ички ишлар ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда Косон хизмат кўрсатиш коллежидида "Одам савдоси - давр муаммоси" мавзусида семинар ўтказилди.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда коллежда таълим олаётган барча талабалар фаол иштирок этдилар.

Семинарда одам савдосининг инсон шаъни ва келажагига таҳдиди, унинг жирканч гирдобига ёшлар ва аёллар кўпроқ тушиб қолаётганлиги аниқ мисоллар билан тушунириб берилди. Мутахассислар томонидан одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар ҳақида ҳам батафсил тушунириш берилди.

Тадбир давомида коллеж талабалари томонидан тайёрланган одам савдосининг аянчли оқибатлари тасвирланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ойдин АНОРОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

БУГУНГИ КУНДА иқтисодий тизимнинг реал секторига айланиб улгурган кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш энг долзарб масалалардан бирига айланган.

Республика Солиқ қўмитасида Текширишлар яна қисқартирилади...

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари томонидан бу борада қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишлар сонини янада қисқартириш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун янада қулай шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Жумладан, бу йилдан эътиборан режадан ташқари текширишларга рухсат бериш тартибига ўзгариш киритилиб, эндиликда режадан ташқари ҳужжатли текширишлар ўтказишга рухсатнома фақатгина Кенгаш раиси имзоси билан ҳамда режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш Кенгаш ҳудудий комиссияси раислари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокими имзоси билан расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.

Шу муносабат билан туман (шаҳар) ҳокимлари ва ҳудудий комиссиялар раиси ўринбосари сифатида Давлат солиқ бошқармалари бошчиликларининг режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга рухсат бериш ваколати 2010 йилгача тўхтатилди ва бу тартибда амал қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Кенгашининг навбатдаги мажлисида 2009 йилда ўтказилаётган текширишларни яна қўшимча 30 фоизга қисқартириш тўғрисида киритилган тақлиф маъқулланиб, мазкур тақлиф асосида тайёрланган Кенгаш қарори 2009 йил 27 марта қабул қилинди. Унга асосан 2009 йил учун дастлаб тасдиқланган



текширишлар режа-жадвалидан яна 4413 та ҳўжалик юритувчи субъект чиқарилиб, 2009 йилда режалар текшириш ўтказиш мўлжалланган субъектлар сони 2008 йил режасига нисбатан 8518 тага ёки 64 фоизга қисқартирилди, шу жумладан, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан режалар тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони 7464 тага ёки 62 фоизга қисқартирилди.

Текширишлар сони қисқариши — бу назорат ишлари бутунлай тўхтаб, тартибсизликлар бошланди, дегани эмас, эндиликда назоратнинг бошқа усулларида фойдаланган ҳолда қонун устуворлигини таъминлаш чоралари қўрилади.

Биринчи ўринда Солиқ кодексининг 70-моддасига биноан камерал назорат усулидан фойдаланган ҳолда давлат солиқ хизмати органларида мавжуд ҳисоботлар, бошқа органлардан олинган маълумотлар билан солиштириб бориш орқали солиқ тўловчилар фаолияти устидан назорат ўрнатилди. Тахлиллар натижаларига кўра, хато-камчиликларга йўл қўйган тадбиркорга унинг хатоси тушунирилиб, бу камчиликларни тўғрилаб қўйиш лозимлиги тўғрисида талабнома юборилади.

Иккинчидан, қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда хронометраж ўтказиш йўли билан назорат ишлари олиб борилади.

Учинчидан, солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигида бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор қилиб бориш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Ушбу анжумандан қутилган асосий мақсад, нафақат солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, балки солиқ тўловчининг бурч ва мажбуриятлари, шунингдек, тадбиркор ўзи амал қилиши лозим бўлган тартиб-қоидаларга риоя этмаган тақдирда унга нисбатан қандай моддий ва маъмурий чоралар қўрилиши мўмкинлигини аниқ тушунириб беришдан ҳамда бугунги кунда ҳуқуқимиз томонидан тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда фаолиятини олиб бориш учун берилган солиқ, молия ва бошқа имтиёزلардан хабардор қилишдан иборатдир.

Гуличеҳра АБДУЛЛАЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан

Самарали тарғибот

СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ-НИНГ Термиз ва Денов туманларида бўлиб ўтган "Қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари: ҳуқуқий асослар ва тажриба" мавзусидаги семинарлар мамлакатимизда эълон қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурини амалиётга тадбиқ этиш ва мазкур йилда қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш масалаларига бағишланди.

Узаро самимий мулоқот тарзида ўтган семинарларда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш, уларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ниҳоятда долзарб ва муҳим масала эканлиги таъкидланди. Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинарларда Сурхондарэ вилоятининг тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, адлия, адвокатура, прокуратура идоралари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тизим Тадбирлари

Батафсил маълумотлар берилди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ бошқармаси ташаббуси билан Навоий индустриал-иқтисодий коллежидида ўтказилган семинар "Одам савдоси — умумжаҳон муаммоси. Чет элларга чиқишининг қонуний асослари" мавзусига бағишланди.

ТАДБИРДА адлия тизими ходимлари билан бир қаторда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-келиш бўлими, Омбудсманнинг минтақавий вакилиги ходимлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар чет элга чиқиб ишлагани ҳуқуқий асослари, ҳужжатларни расмийлаштириш, вилоят бўйича миграция ва эмиграция вазияти тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Жамиятнинг асосий бўғини

2002 ЙИЛНИНГ 5 июлида Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий моданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли қарори қабул қилинган ва ушбу қарор асосида мақсадли Дастур ҳам ишлаб чиқилган эди.

ДАСТУРНИНГ 3-бандига мувофиқ барча жойда бўлгандек, Сирдарё вилояти адлия тизимидаги ФХДЭ бўлими қоида ҳам 13 та "Оила доирасида"ги тақли этилди ва ҳозирда улар тўлақонли фаолият юритмоқда.

Ўқув машғулотларида соғлом фарзандни дунёга келтириш, никоҳгача тиббий қўриқдан ўтишининг афзалликлари, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳ, балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг салбий оқибатлари каби ўндан ортиқ мавзуларда сўз юритилмоқда.

Вилоятдаги ФХДЭ бўлими томонидан 2009 йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида 61 марта таълим шундай ўқув машғулоти ўтказилди ва унда 1082 нафар ёш келин-куёв иштирок этди.

Раъно БОБОЕВА,
Сирдарё вилояти "Никоҳ уйи" мудири

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

ЖИЗЗАХ ТУМАНИДАГИ "Пахтаобод", "Саройлик", "Яхталик", "Тошкентлик", "Охунбобоев", "Совунагарлик", "Хавастлик", "Зиёкор" қишлоқ фуқаролар йиғинларида қизларнинг хорижга ишлаш учун ноқонуний қиёб, алдини қолаётганлиги, аёллар ва ўсимлар ўртасида ўз жонига қасд қилишнинг ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, фақат шарый никоҳдан ўтиб, турмуш қуришни оқибатлари, тиббий қўриқнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА суд, прокуратура, ИИБ, туман ФХДЭ бўлими ходимлари сўзга чиқиб, оиланинг муқаддас қўрғон эканлиги, бугунги кунда никоҳолди тиббий қўриқнинг аҳамияти, аёлнинг оиладаги ўрни, сабр-тоқат каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, фарзандлар тарбияси учун нафақат оила, балки жамият ҳам масъуллиги ҳақида тушуниришлар берилди.

Мунира КАРИМОВА,
Жиззах тумани ФХДЭ бўлими мудири

Адвокатуранинги янги биноси

УЛУҒНОР ТУМАНИДА фойдаланишга топширилди **АДВОКАТЛИК** бюроси бошлиғи Комилжон Ғозиев маблаг ҳисобига қурилган янги бинода ҳуқуқшунос мижозларга қулай шароит яратилди. Бу ерда энди фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам билан бирга компьютер хизматлари кўрсатилиб, улар учун кутиб ва дам олиш хоналари ҳам мавжуд.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминловчи мушкул ва кучли адвокатурани шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Жамиятимизда бу институтнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бинонинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида гапирдилар.

Илҳом ЭГАМНАЗАРОВ

Битирувчилар беллашдилар

ТОШКЕНТ ЮРИДИК коллежидида битирувчи курс талабалари ўртасида "Энг яхши мутахассис" кўрик танлови ўтказилди. "Энг яхши суд мажлиси котиби", "Энг яхши юридик хизмат ходими", "Энг яхши нотариус — референти", "Энг яхши иш юритувчи", номинантиялари бўйича бўлиб ўтган танловда Чилонзор тумани иқтисодлашган ҳуқуқий маслаҳатхона адвокатлари, хусусий нотариал идораси нотариуслари кузатувчи сифатида иштирок этишди.

БУНДАЙ тадбирлар ўтказилишидан мақсад, ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлаш, уларни янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, шунингдек ўқувчиларнинг билим савияси ва кўникмаларини ошириш, танлаган касблари бўйича ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрларлик даражасини ўстиришдан иборат.

Зулайхо ҲАФИЗОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси

